


Фан мавзулари маълумотларини бошқариш

Фан мавзуларини яратиш

Фан мавзуларини кафедра мудири ёки фанга бириктирилган ўқитувчи томонидан шакллантирилиши мумкин. Фан мавзуларини шакллантириш учун дарс жадвали тизимга киритилган бўлиши шарт.

Фан мавзуларини шакллантириш **Fanlar bazasi / Fan mavzusi** менюси орқали амалга оширилади (1-расм).




The screenshot shows the HEMIS OTM system interface. The left sidebar contains a menu with options: Xodimlar, Fanlar bazasi, Fan mavzulari, Nazoratlar, Akademik arxiv, Ilmiy faoliyat, and Reyting. The main content area is titled 'Asosiy / Fan mavzulari' and features two dropdown menus for 'O'quv rejani tanlang' and 'Semestri tanlang'. Below these is a table with columns: Fanlar, O'quv reja, O'quv yili, Semestr, Ta'lim turi, Fanni tasdiqlash, Xodim, and Mashg'ulotlar. The table contains three rows of data.

Fanlar	O'quv reja	O'quv yili	Semestr	Ta'lim turi	Fanni tasdiqlash	Xodim	Mashg'ulotlar
Ma'lumotlar bazasi	Telekom_2021-2022_1-kurs (kunduzgi)	2021-2022	1-semestr	Bakalaviyat	Ochiq	Not Set	Ma'ruza [60 / 0]
Amaliy matematika	Telekom_2021-2022_1-kurs (kunduzgi)	2021-2022	1-semestr	Bakalaviyat	Ochiq	Not Set	Ma'ruza [60 / 0]
Tarix	Telekom (2021-2022)	2021-2022	1-semestr	Bakalaviyat	Ochiq	Not Set	Ma'ruza [30 / 0] Seminar [30 / 0]

1-расм. Фанлар рўйхати

Фан мавзуларини шакллантириш учун фанлар рўйхатидан фанни танланг. Натижада мавзуларни шакллантириш ойнаси пайдо бўлади. Фан мавзуларини шакллантириш учун **машғулот турини** танланг ва **мавзу номини** киритинг (2-расм).

Фан мавзулари киритилгандан сўнг **Saqlash** тугмаси босилади. Натижада фан мавзулари рўйхатида яратилган фаннинг мавзулари пайдо бўлади (2-расм).



The screenshot shows the HEMIS OTM system interface. The left sidebar contains a menu with options: Xodimlar, Fanlar bazasi, Fan mavzulari, Nazoratlar, Akademik arxiv, Ilmiy faoliyat, Reyting, and Xabarlar. The main content area is titled 'Asosiy / Fan mavzulari / Telecom 2020-2021 reyting / 1-semestr / Falsafa' and features a dropdown menu for 'Mashg'ulotni tanlang'. Below this is a table with columns: #, Nomi, Mashg'ulot, Semestr, and Faol. The table contains seven rows of data. On the right side, there is a 'Mashg'ulot' form with a dropdown menu for 'Ma'ruza (30 / 30)', a text input field for 'Nomi', and buttons for 'Bekor', 'O'chirish', and 'Saqlash'.

#	Nomi	Mashg'ulot	Semestr	Faol
1	fanga kirish, asosiy tushunchalar	Ma'ruza	1-semestr	ON
2	atamalar va lug'atlar	Ma'ruza	1-semestr	ON
3	atamalar va lug'atlar	Ma'ruza	1-semestr	ON
4	werwer	Ma'ruza	1-semestr	ON
5	fsdfsdf	Ma'ruza	1-semestr	ON
6	adasd	Ma'ruza	1-semestr	ON
7	asdad	Ma'ruza	1-semestr	ON

2-расм. Мавзуни шакллантириш

Яратилган фан мавзуларини тизимнинг **фанлар рўйхати** ойнасида ҳам кўриш мумкин. Бунда фан тури бўйича мавзулар тўлиқ киритилган бўлса мавзу сони яшил рангда пайдо бўлади, масалан **Ma'ruza [30/30]**, агар мавзулар тўлиқ киртилмаган бўлса мавзулар сони қизил рангда бўлади, масалан **Seminar [30/2]** (3-расм).

Fanlar	O'quv reja	O'quv yili	Semestr	Ta'lim turi	Fanni tasdiqlash	Xodim	Mashg'ulotlar
O'rnatilgan tizimlar	Telekom (2021-2022)	2021-2022	1-semestr	Bakalavr	Ochiq	ELOV JAMSHID BEKMURADOVICH	Ma'ruza [30 / 4] Laboratoriya [60 / 4]
Falsafa	Telecom 2020-2021 reyting	2020-2021	1-semestr	Bakalavr	Ochiq	Not Set	Ma'ruza [30 / 30] Seminar [30 / 2]

3-расм. Фанлар рўйхати

Кафедрада фанлар кўп бўлса фанни маъсул ўқитувчига бириктирилади. Ўқитувчи ўзининг профили орқали фан мавзуларини шакллантириши мумкин.

Фанни ўқитувчига бириктириш фанлар рўйхати ойнасидаги **Xodim** усутидан **Not Set** ёзувини танланг (3-расм). Натижада фанга ходимни бириктириш ойнаси пайдо бўлади. Ходимни бириктириш учун ходимни танлаш майдонидан ходимни танланг (4-расм).

4-расм. Ходимни бириктириш

Ходим танлангандан сўнг сақлаш тугмасини танланг. Натижада **Xodim** устунида танланган ўқитувчининг Ф.И.Ш. пайдо бўлади (3-расм).

Ходим бириктирилгандан сўнг фан мавзуларини шакллантириш имкони танланган ўқитувчи профилида пайдо бўлади.

Фан мавзусини тахрирлаш

Фан мавзусини тахрирлаш учун фанлар рўйхатидан тегишли фан номига сичқонча билан босилади. Натижада фан мавзуларини тахрирлаш ойнаси очилади. Ушбу ойнадан фан мавзуси танланса фан мавзуси маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади (2-расм).

Тахрирлаш ойнасидан бирор бир тахрирлаш амалини бажаринг ва **Saqlash** тугмасини танлаш орқали фан мавзуларини сақланг.

Фан мавзусини ўчириш

Яратилган фан мавзусини ўчириш учун фанлар рўйхатидан тегишли фан номига сичқонча билан босилади. Натижада фан мавзуларини тахрирлаш ойнаси очилади. Ушбу ойнадан фан мавзуси танланса фан мавзуси маълумотлари тахрирлаш майдонларига юкланади ва тахрирлаш ойнасидан **O'chirish** тугмаси босилади (2-расм).

Эслатма. Агар тизимда фан мавзусига боғланган маълумотлар шакланган бўлса у холда тизим фан мавзусини ўчиришга рухсат бермайди. Бундай ҳолларда фан мавзусини ўчириш учун дастлаб унга боғланган маълумотларни ўчириш зарур.